



Олмалиқ шаҳри ички ишлар бўлимининг, тергов бўлими бошлиғи милиция капитани Шавкат Икромов, терговчилар милиция лейтенантлари Нажмиддин Ўтаев ва Дониёр Бегматов тажрибали терговчилардан ҳисобланадилар. Улар жиноятларни очишда катта ҳисса қўшмоқдалар.

Суратда: иш режалари устида суҳбат.



Шу ҳам чора бўлдимми?

Ички ишлар бўлимидаги иш фаолияти даврида бирон-та беаҳал юрган мастни, безорини, қиморбозни ёки бошқа ҳуқуқбузарларни жамоат жойида ушлаб, тегишли ергача кузатиб қўйишда бевосита қатнашмаган ходим милиция қандалик ҳақиқий ҳаётини яхши билмайдди. Мен бу ҳақда бафуржа ёзиб ўтирмоқчи эмасман. Гап шундаки кейинги 3-4 йил давомида демократия ва ошқоралик ўзининг тотли меваси билан бир қаторда аччиқ сабоқларини ҳам берди. Натижада эса буни ниқоб қилиб олган сурбетлар ва безорилар тап тортмасдан кўнгиллари тусанган нарсаларга қўл урайптилар. Қолаверса, бозор муносабатларига ўтирилиш туфайли пулнинг ҳазондек қадрсизланиши ҳуқуқбузарлар учун қонунни, милиция ходимининг ҳурматини «ички пул» қилмоқда.

Маълумки, маъмурий ҳуқуқбузарликларнинг жамиятимизда энг кўп учрайдиган ва хавфлиси спиртли ичимликларни жамоат жой-

ларида истеъмол қилиш, қимор ўйнаш ва майда безориликдир.

Энди юқориди айтиб ўтганимдек, милиция ходими ана шу қонунбузарлардан биронтасини ушлаб тегишли ҳужжатларни тайёрлаш учун қанча вақт сарфлаши, асаби бузилиши табиий. Баъзида маст ёки безорилар ходими хоҳлаганича қўчилиқ орасида ҳақоратлайди, кўп ҳолларда эса қўйлагича йиртиб юборади ҳам. Шундай қийинчиликларга чидаб милиция ходими материалларни тўплаб, чора кўриш учун ИИБ бошлиғига ёки халқ судига топширади. Энди шундай ҳуқуқбузарликлар учун маъмурий чорани кўриш, МХМнинг 180-моддасида жамоат жойида спиртли ичимлик ичгани ёки маст ҳолда югани учун огоҳлантириш ёки ўттиз сўмгача жарима, 185-моддада эса қиморбозлар учун огоҳлантириш ёки эллик сўмгача жарима солинади, деб ёзиб қўйилган.

Сир эмаски ҳуқуқбузарлар бу қонда-қонунларни жуда яхши билишади, шунинг учун ҳам на қондан, на милиция ходимини менсимай, билганини қилаверади. Ўзингиз ўйлаб кўринг, 100-150 сўмга ароқ олиб ичган одамга, айниқса сурбетларга шу огоҳлантириш ёки энг «олий» чора бўлган ўттиз сўм нима деган гап? Шунинг учун ҳам ҳадеб оғизда ҳуқуқий давлат қураминиз, деб жар солавермасдан, тезлик билан жамият ҳаётини изга солишга хизмат қиладиган долзарб масала бўлган маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги қонунга ўзгартишлар киритиш лозимдир. Бу нафақат милиция ходимлари учун, балки бутун тинчликсевар халқимизга, унинг озоишта ҳаёт кечирishiга хизмат қилишини ёдиниздан чиқармаслигимиз керак.

Эминжон ОБИДОВ,
милиция капитани,
Риштон райони.

«ТАНТАНАЛИ ЮРИШГА САФЛАНИ»

Ўтган ҳафтада Ўзбекистон Республикаси Олий милиция мактабида уч юз йигирма уч нафар битирувчиларга имтиёзли диплом топшириш маросими бўлиб ўтди.

Уни Республика ички ишлар вазирининг биринчи ўринбосари, милиция генерал-майори Ғ. Раҳимов кириш нутқи билан очди. Шундан сўнг битирувчиларга имтиёзли дипломлар топширилди.

Маросим ҳақидаги тўла маълумотни 7-бетдан ўқинишга мумкин.



БУГУНГИ СОНДА

1-БЕТ. Энг «олий» чора бўлган ўттиз сўм нима деган гап?

2-БЕТ. Пойтахтнинг Шайхонтохур РИИБ ходимларининг кечалик хизматидан бир шингил.

3-БЕТ. ...Уруш пайтидаги

ҳарбий разведкачилар каби «тил» ушлагани кетишди.

5-БЕТ. Тунда, эри донг қотиб ухлаб қолгач, аёлни уйқуси қочди.

7-БЕТ. Хайрлашиш дамлари яқин. Битирувчилар бу кунни умрбод унуттирмайдилар.

Нафақаларни қайтадан ҳисоблаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1992 йил 27 июндаги «1992 йил 1 июлдан нафақалар, стипендиялар ҳамда бюджет ҳисобидаги муассасалар ходимларининг иш ҳақи миқдорини ошириш тўғрисида»ги Фармони муносабати билан ички ишлар идоралари фахрийлари, ички қўшинлар хизматчилари ва уларнинг оила аъзолари нафақалар қачондан бошлаб оширилишини изохлаб беришни сўраб, ички ишлар вазирлиги ва ҳукумат идораларига мурожаат қилмоқдалар.

Фармонга асосан бир ойлик меҳнат нафақасининг энг кам миқдори 1992 йилнинг 1 июлидан бошлаб 550 сўм ўрнига 1000 сўм бўлди, Улуғ Ватан уруши қатнашчилари ва III гуруҳ ногиронларининг нафақалари энг кам маош миқдори даражасига кўтарилди.

Меҳнат нафақаси энг кам миқдорининг ушбу кўтарилиши ички ишлар идоралари оддий ва раҳбар таркибига ва ички қўшинлар ҳарбий хизматчиларидан бўлган Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирлигининг нафақа олувчиларига ҳам тааллуқлидир.

Мазкур Фармонга кўра хизмат қилган давр учун олинган нафақанинг белгиланган энг кам миқдори 1000 сўмдан паст ҳолларда, шунингдек, Улуғ Ватан уруш қатнашчилари ва ногиронлари учунгина қайта кўриб чиқиладди.

Ушбу Фармонда ҳамма нафақаларни қайта ҳисоблаб чиқиш кўзда тутилмаган.

Ички ишлар идоралари, ички қўшинлар нафақахўрлари ва уларнинг оила аъзоларини ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилиш мақсадида уларга илгари белгиланган барча нафақалар миқдори 1992 йилнинг 1 январидан бошлаб қайта ҳисоблаб чиқилган. Бунда хизматни давом эттираётган ички ишлар идоралари оддий ва раҳбар таркиби ҳамда ички қўшинлар ҳарбий хизматчиларининг тегишли гуруҳлари оладиган пул таъминотининг (уларга нафақа шунга қараб белгиланади) 1 январдаги даражасидан келиб чиқилади.

Фармонда 1992 йилнинг 1 октябридан бошлаб меҳнат нафақалари миқдорининг табақалаштирилган шаклини жорий қилиш кўзда тутилган бўлиб, у меҳнат нафақасининг белгиланган энг кам миқдоридан келиб чиққан ҳолда фуқароларнинг иш стаж ва кўрсатган хизматларига боғлиқ бўлади.

Қонунда ички ишлар идораларининг оддий ва раҳбар таркиби ички қўшин ҳарбий хизматчиларига ва уларнинг оилаларига белгиланган нафақалар 1992 йилнинг 1 январидан бошлаб ҳар йили қайта кўриб чиқиши кўзда тутилган бўлиб, бунда хизматни давом эттираётган ички ишлар идораларининг оддий ва раҳбар таркиби, ички қўшинлар ҳарбий хизматчиларининг тегишли гуруҳлари оладиган пул таъминотининг (уларга нафақа шунга қараб белгиланади) 1 январдаги даражасидан келиб чиқилади.

Н. ЦОЙ,

Ички ишлар вазирлиги молия-иқтисод бошқармасининг бошлиғи, ички хизмат полковниги.

ЎЙЛАБ ИШ КЎРАЙЛИК

Отдадигидек рўзномалар дўкончаси олдида турибман, даставвал «Постда»ни харида қилишга шошиламан. Уни ҳар бир чиқиннини саҳифалар эканман. Ўз-ўзимдан руҳан тетиклашиб кетаман.

Рўзнома нафақат мустақил жумҳуриятимизда яшовчи фуқаролар ўртасида қонунчилигини тадбиқ этиш, жиноят йўлига эндигина қадам ташлаётган ёшларни ортга қайтаришга хизмат қилибгина қолмай, беҳосдан жиноят қилган ёки маъмурий ҳуқуқбузарлик қилган шахсларни қайта тарбиялангандан сўнг улар ўртасида муносабатни яхшилашда ҳам катта аҳамият касб этмоқда,

десам муболаға бўлмайди. Халқ билан милиция бир-бирини тушунишса ва қўллаб-қувватласалар шундагина жиноятчиликка қарши кураш кучаярди. Лекин баъзи бир рўзномаларда милиция билан халқ ўртасида низо солиш фикрлари илгари сурилмоқда. Бундайлар узоқни кўра билмайдиган кишилардир.

Ахир милицияда ишлаётганлар халқнинг ичидан чиққан, қолаверса биримизнинг акаминиз, укамиз, яна кимнингдир ўғли эканлигини улар билишмайдими?..

Ш. ШОВДИРОВ,
ИИБ Олий милиция мактабининг 1-«Б» курс тингловчиси.

Хабарлар

«Тун» тадбиридан

Шайхонтохурда
бир кеча

Давлат автомобил назорати бошқармаси биноси олдида тунги тадбирга ҳозирланган барча осойишталик посбонлари қалдирғочдек сафга тизилишди. Тошкент шаҳар ички ишлар бошқармаси жамоат тартибини сақлаш бўлимининг бошлиғи, милиция подполковниги Ш. М. Расулов, шаҳар ИИБ бошлиғининг ўринбосари, милиция подполковниги А. Жўраевга ҳисобот берганидан сўнг, йиғилганлар ўзларига бириктирилган ҳудудларга йўл олишди.

Биз Шайхонтохур РИИБ бошлиғининг ўринбосари, милиция капитани Қодир Раҳимжонов ва бир гуруҳ осойишталик посбонлари билан район кўчаларига назоратга чиқдик.

Милиция старшинаси Эргаш Бойназаров бошқараётган энгил машина «Чорсу» бозори ёнида тўхтади. Гоҳ ҳайдовчи, гоҳ унинг ёнида ўтирган милиция кичик лейтенанти бўлим навбатчиси билан рақияда боғланиб, вазиятдан хабардор қилиб туришарди. Бир оз дақиқадан сўнг старшина рақия орқали муҳим маълумот олди. Унда айтилишича аллақандай шахслар рухсат этилмаган жойда ҳар хил нарсалар сотаётган эканлар. Навбатчи маълумоти бўйича чайқовчи савдогарларга нисбатан чора кўришга киришилди.

Район ички ишлар бўлимига борганимизда участка катта назоратчиси, милиция капитани Убайдулло Самадов Акмал Икромов районида яшовчи 29 ёшли уй бекаси Баҳринисо Шермухаммедова билан суҳбатлашиб ўтирган эди.

Маълум бўлишича, у участка назоратчисига иккинчи марта учрашиши экан. Капитан уни саволга тутарди:

— Рухсат этилмаган жойда ҳар хил пишириқлар пишириб сотиш маън этилганини...

Аёл назоратчининг гапини бўлди:

— Тўртта фарзандим бор, ахир уларни қорнини тўйдириб, кийинтиришининг ўзи бўладими?

— Эрингиз-чи, ёрдам бермайдими?

— Йўқ, ундан алимент ҳам олмайман.

— Бўлмаса ҳозирги тақчилликда шунча унни қаердан олятсиз?

— Дўкандан.

— Қайси дўкандан?

Ўртага жимлик чўкди. Анча савол-жавобдан сўнг назоратчи қорозга алланималарнидир ёзди-да, аёлни уйига кузатиб қўйди.

Орадан кўп вақт ўтмай жиноят-қидирув бўлимининг тезкор вакили, милиция лейтенанти Шаҳобиддин Гапиров озгичдан келган, 30 ёшлар чамасидаги йигитни бошлаб кирди. Аниқланишича у муқаддам икки марта судланган Леонид Захарченко экан.

— Бўлган воқеани яхши-си ўзим бир бошдан гапира қолай, — дея гап бошлади, бизни ўз хонасига тақлиф этган ЖҚБ ходими, милиция катта лейтенанти Эрдон Вадидов.

— Танишини, уйи эгасини (исм-шарифи) Александр Ку-

ликов) касалхонада ётганлигини билган Захарченко унинг хотинига дўқ-пўписа қилиб 1100 сўм пулни ҳамда магнитофонни олиб кетган. Магнитофонни эса яна 1000 сўм эвазига қайтариб беришни ваъда қилган. Йўқса, ҳар хил ҳунар кўрсатишини айтган. Биз, жиноят-қидирув бўлими ходими, милиция полковниги Одил Содиқов билан жами 4 киши, пулни айтилган жойга олиб бордик.

Даставвал ўзим тадбирни амалга ошириш учун унинг уйига ошиқдим. Орадан оз фурсат ўтгач, ашъвий далиллар билан Леонидни ушладим. Кейин қолганлар кириб келишди. Биз учун бу гал осон кечди, шекилли...

Одатдагидек ўз хизмат бурчларига сидқидилдан ёндошган осойишталик посбонлари бирин-кетин тартиббузар, жиноятчиларни бошлаб келишарди. Милиция кичик сержанти Рустам Қаҳҳоров, милиция старшинаси Бўтак Бўриев билан Нилуфар исмли қизини бошлаб келиб, жиноят-қидирув бўлими ходимларига топширдилар.

1974 йилда туғилган Н. Мирҳайдарова «Болалар дунёси» дўконидан 62 сўмлик қўғирчоқ, ёш болалар майкаси, иштони ҳамда 10 та ўйинчоқ телефонларни ўмариб чиқиб кетаётганда, бу икки зийрак милиционер томонидан ушланган.

Шуни айтиб ўтиш лозимки, милиция ходимларининг қонуний талабларига бўйсуниб ҳақидаги қонун ижроси ҳали ҳам мансабдор шахслар томонидан поймол қилинмоқда. Назорат хизмати ходимлари, милиция катта сержантлари экипаж командири Зокир Тоҳиров, ҳайдовчи Абдуқаҳҳор Самадов ва старшина Бахтиёр Отажоновларнинг қонуний талабларига бўйсунмасдан ширакайфда ўзларини Тошкент вилояти суди ходимлари деб таништирган Икромжон Умрзоқов шериги билан «фалон-пиставон» қиламан деб дўқ-пўписа қилиб жанжал-тўполон кўтаришди. Текшириш давомида И. Умрзоқов Тошкент ҳуқуқшунослик олий билимгоҳининг кечки бўлимида таҳсил олиши ошкор бўлди.

Бу биргина мисол, холос. Демокриманки, иссон ким бўлишидан қатъий назар аввало одамгарчиликни унутмаслиги шарт. Иссонни иссон деб билсин.

Менинг бу гапимни ўша кеча «Тун» тадбирида фаол қатнашган жамоат тартибини сақлаш бўлими нозоратчиси, милиция старшинаси Ориф Жамиллов, катта сержант Қурмонғози Мусабоев, лейтенант Рўзимул Олқаров, майор Аҳмаджон Тожиёв, кичик сержант Содиқ Содиқов, сержантлар Жамол Ҳайдаров, Пашид Бакиев, Фарҳод Норбоев, старшина Дилмурод Дадамуродов ҳамда капитан Баҳодир Иброҳимовлар ҳам маъқуллашди.

Соат стрелкаси 01ни кўрсатарди. Ички ишлар бўлиминдан ташқарига чиқдик.

Экипаж аъзолари навбатдаги топшириққа отланаётганди. Шаҳар осойишта уй-қуда эди...

О. МАХМАЮСУПОВ.

БЕПАРВОЛИК ОҚИБАТИ

— Қани кўтарайлик.
— Ичида қанча бор экан-а?

— Жим! Секинроқ!
Улар тун қоронғусида темир сандиқни кўтариб, сой бўйича келишди. Аммо уни очиш қийин эди. Қўчқор билан Ўролбой лом, мантивровка қидириб кетишди. Орадан ярим соатлар ўтгач, йигитлар «қуролланиб», сейфни очишга киришди. Бироқ ичидаги арзимас 3561 сўмни кўриб таъбларини тирриқ бўлди. Ўлжа тақ-

симлангач, темир сандиқни ахлат уюмига яшириб ҳар томонлама тарқалишди.

Бир неча кундан сўнг улар навбатдаги жиноятга қўл уришди: тунда дорихона эшигини бузиб, 12 литр спиртни ўмариб кетишди.

Зомин райони ИИБ ходимлари бу жиноятларни тезкорлик билан очишга бутун кучларини сафарбар этишди.

Машаққатли меҳнатлари зое кетмади. Жиноий гуруҳ аъзолари қўлга олинди.

ЖИЗЗАХ

Мана улар — Ўролбой Раҳмонов, Камол Ўринов, Қўчқор Бегимқулов, Собир Қурбонбоев.

Мазкур жиноий иш билан шуғулланган ходимлар ўғрилиқ содир этилган Зомин районидаги ветеринария станцияси қоровуллари ҳам жиноий жавобгарликка тортишни лозим деб топишди. Негаки, ўғрилиқ содир бўлган кунни қоровул бепарволик қилиб ишга келмаган.

М. МИРЗИЕЕВ.

«ШЕР»ЛАР ТУЗОҚҚА ИЛИНДИ

Ғанишер Зомин туманининг Туркман қишлоғида истиқомат қилади ва шу кунни ишга бориб ҳамқишлоғи, дўсти Ҳайитмаматни кўриб қолди. Унга дабдурустдан ўғрилиқни таклиф қилди, чунки у тўғри йўл билан бирдан бойиб кетиш йўлини тополмаётган эди.

Бу иккаласига Валижон қўшилди, шу оннинг ўзидаёқ Ҳайитмаматнинг тракторига миниб, кўзланган мақсадни амалга ошириш учун жўнади. Ҳолва дегандан оғизлари чучиб кетганди-да.

Ишнинг бунчалар тез ва силлиқ кетиши камдан-кам ҳоллардагина юз бериши мумкин. Қовункесди қиш-

лоғи яқинидаги Тортанги деган жойда Ҳайитмамат тракторини тўхтатди:

— Шу ерда тушиб қолинглар, мен ишга бориб келаман.

Икки йигит саланглаганича қир ошдилар. Бу ерда эса бир қанча қўйлар эгасиз ўтлаб юрарди. Олдиларига солиб ҳайдаб кетишди. Йўл-йўлакай санаб ҳам олишди. Қўзилари билан қўшиб ҳисоблаганда ўн еттита экан. Уларни ўйларидан анча нарига — қир ортига яшириб қўйишди.

Қўйларни узокроқ — Янгир шаҳрида сотишмоқчи эди, бунинг учун эса улов керак. Ғанишернинг акаси Алишер шу кунни ўша ёққа

кетмоқчи эди. Бор гапини айтиб, улов топиб келишни тайинлашди.

Йигитлар машинани кўтакута ухлаб қолишганда, кечаси Алишер бир ўрис йигитнинг «Волга»сида келиб қолди. Сақизта қўйни ортдию, ортига қайтди.

Эрталаб Ғанишер уйғонса ўртоқлари кетиб қолишган, қўй олиб кетган акасида эса алламаҳалгача дарак бўлмади. Яна бир кун кутиб Янгирга борди. Маълум бўлишича, акаси бу ерга келмаган экан. Танишларидан акасини милиция ушлаб олганини эшитди.

У уйга қайтса ўзини ҳам милиция қидириб юрган экан.

М. МИРЗАЕВ,
Зомин туман ИИБ терговчиси милиция катта лейтенанти.

САВДО НИҲОЯСИГА ЕТМАДИ

Бу икки йигит дабдурустдан, ҳе йўқ, бе йўқ Абдушукурни тортқилаб пастга туширишди-да, тепкилай бошлашди. Хумордан чиқишгач, машинани минишдию помидори билан, хайр-маъзурни насия қилиб, қаёққадир равона бўлишди.

Босқинчиликни ҳам қўлидан келган қилсин экан, бўлмаса ўша икки йигитдек йўлда бузилиб қолган машинани ташлаб, ит қувган соқов-

дек яширинишга мажбур бўладди.

Кечга яқин милиционерлар Бозорбой ва Ортиқали исмли кишиларни гумондор сифатида тутиб келтирди. Улар шу қилғилиқларни қилганликларини бўйнига олишди.

Жабрланувчи касалхонага ётқизилди.

Ш. МАВЛОНОВ,
Зомин туман ИИБ катта терговчиси.

«Қорадори—92»

Район ички ишлар бўлимига ташвишли хабар келди. Тезда бўлим бошлиғининг ўринбосари подполковник Ҳазрат Баҳриев раҳбарлигида оператив гуруҳ тузилди. Улар машиналарда район ўрмон хўжалигининг Қавзахона участкаларини айландилар. Ҳисор тоғ тизмалари ёнбағирларидаги Новударов ва Қудуқсой дараларини узоқ кезишди.

Мўлжал тўғри чиқди. Қорли чўққиларнинг шундоққина яқинида кўкноризорнинг устидан чиқдилар.

Тоғнинг янада юқорироқ қисмига чиқиш жуда қийин эди. Бунинг устига кўкнори экиб, даромад оладиган одамлар ҳам анойи эмаслар. Жиноятчилар барча эҳтиёт чораларини кўришган. Улар ҳатто қуролланган бўлиши ҳам мумкин.

Тошкентга, вазирликка мурожаат этишди. У ердан ички ишлар вазирлиги гиёҳвандликка қарши кураш бошқармаси ходими милиция майори А. Абдуғаниев раҳбарлигида ёрдам етиб келди. Ўзлари билан вертолёт олишди.

1992 йилнинг 27 июнида гуруҳ тоғ ёнбағри бўйлаб уча бошлади. Пастда эса Кавзахонанинг сўлми сойла-ри, далалари кўзга ташланади. Ички ишлар ходимлари ҳар жойга десант ташлашди. Кўрилган чоралар ўз сама-

Кўкноризорлар
йўқ қилинди

расини берди. Шу кунни 4 гектар 9 сотих майдондаги кўкноризор йўқ қилиб ташланди.

2 июль кунни вертолёт «Зарафшон» давлат хўжалигини ўраб турган қирларда «ов» қиларди. Улар ўлжасиз қайтишмади. Кўрилган оператив чора-тадбирлар натижасида Монис ҳамда Султон Али дараларидаги 5 гектардан ортиқроқ жойга гиёҳвандлик ўсимлиги экилганлиги аниқланди. У тезда йўқотилди.

Энг ачинарлиси шундаки, кўкнори экилган майдонлар фақат тоғ ёнбағирларидагина эмас, балки кишиларнинг томорқаларида ҳам борлиги маълум бўлди. Милиция ходимларининг зийрак ва ҳушёрлиги натижасида бу иш билан шуғулланадиган кўплаб кишилар қўлга олинди.

— Ҳозир республикамызда «Қорадори-92» тадбири муваффақиятли амалга оширилмоқда, — дейди Ҳазрат ака Баҳриев. — Районимизда ҳам кўпгина ишлар қилинмоқда. Гуруҳимиз томонидан томорқасида кўкнори экиб, даромад кўрмоқчи бўлганлар аниқланиб, чора-тадбирлар қўлланилмоқда. Ҳозиргача Шодмон Ума-

ров номли давлат хўжалигининг Келдихаёт қишлоғида яшовчи Турсун Жабборов, Қуйбишев номли жамоа хўжалигининг Бешқозоқ қишлоғидан Саид Ойдинов, «Китоб» совхоз-заводининг Ҳожи қишлоғидан Муҳаммади Арзиев, باشирик Саид Авлоқулов, «Паландара» давлат хўжалигининг Қишлоқча ва Обиканда қишлоқларида яшовчи Мансур Рўзиев, Хайрулло Абдуллаев, Одил Боевлар қўлга олинди.

«Қорадори-92» тадбирининг муваффақиятли боришида район ички ишлар бўлими бошлиғининг ўринбосари, подполковник А. Раҳмонов, жиноят-қидирув бўлими бошлиғи милиция капитани Н. Довиров, бўлима ходимлари лейтенантлар Х. Мансуров, А. Жўраев, У. Муҳаммадиев, милиционерлар Х. Турсунов, Б. Давронов, давлат автомобиль инспекцияси ходими Б. Халиловлар муносиб ҳисса қўишди.

«Қорадори-92» тадбири давом этаётти.

Салоҳиддин ИСОМИДДИНОВ,
Китоб райони «Ғалаба» газетасининг масъул котиби.

Хизматларда

Масъулиятсизлик эви билан-да!

Саратон киришга бир неча кун қолган. Аммо 18 июнь кун ҳаво ҳаддан зиёд иссиқ бўлди. Яқкабоғ шаҳрининг ҳалқа йўлида транспорт қатнови тинмайди. Турли хил машиналар ранг-баранг юклар билан тўхтовсиз қатнайди.

Соат 12.00. Катта йўлнинг темир йўл излари билан кесишган жойида йўл ҳаракати қондасини назорат қилаётган участка назоратчиси, милиция старшинаси Акрам Жалилов ва давлат автомобил назорати назоратчиси, милиция старшинаси Тўйчи Бегимовларнинг эътиборини худди ана шу жазирамада Қарши шаҳар томондан кучланиш билан ҳаракатланаётган давлат рақамсиз трактор тортди. Шаттакка олинган тележкада номаълум, аммо мўлжалдан анча зиёд юк бор эди.

Назоратчининг ипораси билан трактор йўл четига бурилиб тўхтади. Ходимлар томонидан йўл варақаси, юк ҳужжатлари текширилганда уларнинг қалбакилиги билиниб қолди. Участка назоратчиси Акрам Жалилов тележкани район ички ишлар бўлимига олиб боришни айтганда, ҳайдовчи Насриддин Қобилов иш чатоқчилигини билиб, ялиниб-ёлвориб турли

баҳоналарни рўқач қилиб, ёнида келаётган Қамаш район маҳсулотларни сақлаш ва тайёрлаш идорасининг тайёрловчиси Асом Абраевни уларга рўпара қилди.

Асом Абраев эса аҳолидан асал йиғиб, тайёрлов идорасига олиб кетаётганлигини айтди. Ҳушёр ходимлар вақтни бой бермасдан шу жойнинг ўзидан район ички ишлар бўлимига воқеа тўғрисида хабар беришди.

Айни пайтда хизмат сафари билан ИИБда бўлиб турган Қашқадар вилояти ички ишлар бошқармаси иқтисодий жиноятчиликка қарши кураш бўлими муҳим ишлар

бўйича бош тезкор вакили милиция майори Саидахмад Уроқов ва шу бўлим оператив вакили милиция лейтенанти Эргаш Мусаевлар оператив гуруҳ билан воқеа жойига зум ўтмасдан етиб келишди. Саидахмад Уроқов худди шу воқеадан, бундан икки-уч дақиқа олдин хабар топан, аммо юк ортилган тележка Қамашига қайси йўл орқали жўнаб кетганлигини билмас эди.

ИЖК

Участка назоратчиси милиция старшинаси Акрам Жалилов ва ДАН назоратчиси Тўйчи Бегимовларнинг айни туш пайти бўлишига қарамадан сергаклик билан тележкани тўхтатиш оператив гуруҳ аъзоларига бир мунча кўмак бўлди.

Тележкани тўлдириб, ҳар бири 50 килограммлик ҳажми 52 бидон асал юклаган эди.

Асал эгалари узоқ оёқ тираб олишмади. Уларни қадердан ортагиларини, эвазига уларга қанча сўм ваъда қилинганларини район ички ишлар бўлимига келгач, ҳикоя қилиб беришди.

Маълум бўлишича, асал Яқкабоғ шаҳрида яшовчи К. Ш. исмли фуқаронинг уйидан ортилган экан. Қилни қирқ ёрайдиган тажрибали ходим милиция майори С. Уроқов бошчилигидаги оператив гуруҳ Ш. нинг уйида текширув ўтказишганда 100 қоп Туркияда ишлаб чиқарилган шакар ва сунъий асал тайёрловчи асбоб-ускуналар топилди.

Ш. аввалига «фалон жойларда асалариларим бор, уларни урчишаман, асаларчиликни ривожлантиришда ҳалол меҳнат қилиб жиддий шуғулланаман, буларнинг ҳаммаси меҳнатим эвазига

етиштирилган маҳсулот, уни тортиб олишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ» деб тихирлик қилди.

Касални яширсанг, иситмаси ошкор этар экан. Республика аҳолиси граммлаб тежаб турган бир пайтда Ш. нинг уйида 100 қоплаб шакар босилиб туриши унинг ҳалол меҳнат қилишига ва асаларчилик билан жиддий шуғулланиши кишида шубҳа туғдиради. Ш. қаердан олди экан бунча маҳсулотни? Қарангки, шундай тақчиллик замонида уни қоп-қоп шакар билан таъминлаб турувчи шоввоз ҳам бор экан! Қамаш район матлубот жамиятига қарашли «Бахт» дўкони мудир Эргаш Уринов ана шундай қамтар кишиларнинг бошини сийлайдиган ғамхўр одам чиқиб қолди.

Начора, оператив гуруҳ аъзоларига Эргаш Уриновнинг дўконидан ва уйда бўлишга ҳам тўғри келди. Ҳайратдан ёқа ушлайсиз, дўкон пештахталарида топилмайдиган ноёб моллар Эргашнинг уйида тахланиб ётибди: 100 қоп Туркия шакари, 1395 шиша коньяк, 52 қут «Польша ароғи», 6 қут «Рус ароғи», 60 қут «Чашма» виноси ва бошқа молларнинг уйда сақланиши кишини ажаблантиради. Буларнинг жами суммаси 1 миллион сўмдан ошади.

Шу ўринда ҳақли савол туғилади. Республикада фуқаролари бозор иқтисодиёти даврининг энг мураккаб ва қийин жараёнларини бошдан кечиришгаётган бир пайтда таъминот бошида турган баъзи раҳбарларнинг масъулиятсизлиги ва бепарволиги натижасида шу каби воқеалар содир бўлмайтиркин? Ёки милиция ходимлари бор, бизнинг нима ғамимиз бор деб ўйлашармикин?

Ушбу факт юзасидан жиноят иш қўзғатилиб, Эргаш Уринов қамоққа олинди. Бахриддин АЛИҚУЛОВ,

Суратли лавҳалар

Замон ўзгарди. Яқинда йўл-транспорт қоидаларини бузган шахсларга нисбатан қаттиқ чора-тадбирлар кўриш ҳақидаги Қонун эълон қилинди. Бу эса эндиликда машинани бошқараётган ҳайдовчидан рулни моҳирона бошқариш ҳамда ҳушёр бўлишни талаб этади. Шунинг учун ҳам ҳозирда кўп жойларда ҳайдовчилар қайтадан имтиҳон топишириб, синаб кўрилмоқда. Шунингдек уларга огоҳлантириш талонлари янгилаб берилмоқда.

Суратларда:

● Тошкент вилояти ички ишлар бошқармаси давлат автомобил назорати бўлими автоназоратчиси, милиция катта лейтенанти Шавкат Тўхтаев ва жамоатчи автоназоратчи Фахриддин Тўхтаевлар компьютерларда имтиҳон топираётган ҳайдовчиларни назорат қилмоқда.



● Тошкент вилояти ички ишлар бошқармаси давлат автомобил назорати бўлими рўйхатлаш-имтиҳон бўлими бошлиғи, милиция капитани Мираҳмад Мирсаидов кекса ҳайдовчи Ниёз ота Сафаров билан суҳбатлашмоқда.



● Тошкент вилояти ички ишлар бошқармаси давлат автомобил назорати бўлимининг рўйхатлаш-имтиҳон бўлими бошлиғи муовини, милиция капитани Санжар Соттихўжаев ҳайдовчи Исро Раҳимовга огоҳлантириш талонини топширмоқда. Саҳифадаги суратларни Х. ШОДИЕВ тайёрлаган.



ЖАЗО ОЛИШДИ

Ака-ука Нормурод ва Дилмуродлар. Аҳмадқул, Мухтор, Олимларнинг гапи бир жойдан чиқди жиноий гуруҳга айланди қўйди. Режани пухта қилиб, тунда йўлга чиқишди. Янгиер шаҳридаги «Ўзбекистон» савдо агросаноат бирлашмасига келишди.

Аҳмадқул омбор деразасидан ошиб, ичкари кирди. Аланглади. Ҳеч зор кўрилмади. «Жигули» автомашиналари учун ишланган автошиналарни бирма-бир шерикларига узата бошлади. 29 донасини ўмариб, кетишга чоғланишгаётганларида И. Эргашев ва Ш. Боймировлар келиб қолишди. Осон тил топилишди. Улар автошиналарнинг 7 тасини оладиган ва бу хусусда ҳеч кимсга чурқ этмайдиган бўлишди.

Игитлар қолганларини машинага ортиб, Мухторнинг уйига яшириб қўйиш-

ди. Шулардан икки донаси 5000 сўмдан сотилди. Бироқ жиноятнинг изига тушган тажрибали изкуварлар ўғриланин савдосига чек қўйишга эришдилар. Автошиналар бирлашма омборига тўлалигича қайтарилди.

Хўш, жиноят қилганлар кимлар?

Олим Шокиров, Иброҳим Эргашев, Дилмурод Эгамбердиевлар муқаддам судланган. Аҳмадқул Расулбердиев ҳеч қаерда ишламайди, Нормурод Эгамбердиев ҳайдовчи, Мухтор Қўшбоев умумий овқатланиш корхонаси ишчиси.

Ҳадемай номи юқорида таъкидланган бу қўли эгрилар қилмишига яраша жазосини олишди. Лекин бундан ўзларига тегишли хулоса чиқара олишармикан!

М. ЭГАМБЕРДИЕВ,
Сирдарё вилояти ИИБ
ТВ ходими.

НОМАРДЛИК

Ичкилик ҳеч қачон яхшиликка олиб келмаган. Айниқса, йўлда. Афтидан Усмонали бундан беҳабар шекилли, ўша кун маст ҳолда машинасини бошқарган. Олдинда кетаётган уловни қувиб ўтган, йўлнинг чап қисмида ўз йўналиши бўйича келаётган мотоциклни уриб юборган. Оқибатда мотоцикл ҳайдовчиси ва унинг йўловчиси ўша жойнинг ўзидек ҳаётдан кўз юмган.

Шу ўринда ароқнинг таъ-

сиридан босар-тусарини билмай қолган Усмоналининг жабрдийдаларга ёрдам беришини ҳам эл кўрмай, қочиниша тушганини айтиш жониз. Аммо унинг орқасидан келаётган машина эгалари қилғилиқни қилиб қўйиб, қочаётган номардни таъқиб этиб, Янгиер шаҳар ИИБга келтиришди.

Ш. НАБИЕВ,
милиция катта лейтенанти.

Қуриқлаш бирлашмасида

Пайпоқ пойга

Қўқон пайпоқ-йигирув корхонасининг маҳсулотини нафақат республикамизда, қўшни мамлакатларда ҳам яхши билишади, қилин-ёзини маза қилиб кийиб юришади. Хорижда навбатда соатлаб туриб ёки ишхоналарида рўйхатга ёзилиб олишар эмиш. Билмадим, гаплари ростми, ёлғонми, аммо улар ушбу корхона ишчилари орасида ғалати «ким ўзар ўйини» борлигини хаёлларига ҳам келтирмасликларига имоним комил.

Бу «ўйин» спортга ва ҳордиқ чиқаришга ҳеч қандай алоқаси йўқ, уни маъмурий қонунчиликда «ташмачилик» дейишади. Фараз қилинг: ишлаб чиқариш цехидан назорат ўтиш жойига ча бўлган масофа югуриш йўлаги. Финишда — Қўқон шаҳар ИИБ ҳузуридаги қуриқлаш бўлимининг бошлиғи милиция майори Н. Аҳмадов турибдилар. Мана ташмачиларнинг цехдан ўзи билан жуи пайпоқлар кўтариб келаётган командаси кўринди. Протокол варағига дастлабки ёзувлар тушди: Галина С. — 2 жуфт пайпоқ билан қўлга тушди, Хамидхон У. — 5, Гулсина М. ва Муҳаббатхон И. — ҳар бири 10 жуфтдан. Буларни доғда қолдириб манзилга 20 жуфт пайпоқ билан Саидахмад А. етиб келдилар. Аммо ўша кун голиб деб Феру-

захон А. тан олинди. Уларнинг кўрсаткичлари — 27 жуфт (!) бўлиб чиқди.

Жонажон корхонасига «ўйин» қатнашчилари умумий нархда 1050 сўм 88 ти-йин зарар келтиришлари мумкин эди.

Сўхлик «тил»чилар

Сўхдаги пойабзал ишлаб чиқариш фабрикасида икки дўст Исроилов З. ва Дадахон Ш. лар меҳнат қилишди. Улар ҳозирда ҳамма нарса танқис эканлигини яхши билишади, ундан ташқари шундан фойдаланиб, пул ишлаб олишни ҳам билишар экан. Аммо ҳалол ишлаганлар ҳеч қачон бундай қилмайдилар, акси эса — жиноят. Шайтонни гапига қиршдими, дўстлар ўғрилиққа қўл урдилар. Боянда тadbир мойдек силлиқ кетди. 10 минг 214 сўм 40 ти-йинлик 120х100 сантиметр ўлчовидаги 60 дона резина на-сос станциясининг чиқит қу-вурига яширилди.

Не азобларда ўғирлаб бекитиб қўйилган резинани олиб чиқиб кетишса — мақсад рўёбга ошади. Кечаси улар уруш пайтида ҳарбий разведкачилар «тил» ушлагани қандай кетишса, шундай эҳтиёткорлик билан пана жойга йўл олдилар. Аммо ўзлари қўлга тушган «тил»-дек Сўх райони ИИБ ҳузуридаги қуриқлаш бўлимида қоровуллари К. Қосимов, Т.

Урозов ва В. Нурматовлар томонидан ушландилар.

Ҳушёр бўлинг арзончилик

Жуда қизиқ вақтда яшаймиз-да. Кечагина бирор нарса сал қимматлашса шу тўғрисида ҳафталаб гапириб, латифалар айтиб юрар эдик. Бугун эса арзон нарх фақат шубҳамизни эмас, балки ҳушёрлигимизни ҳам ошириб юборди. Айниқса, ҳушёрлик одамнинг хизмат вазифасига кирса жиноятни очтишда катта ёрдам берар экан.

Комилжон Олимов Шовот райони ИИБ ҳузуридаги қуриқлаш бўлимида қоровул вазифасида ишлайди. Яқинда у уйдагиларни хурсанд қилмоқчи бўлиб район деҳқон бозорига қўй сотиб олгани борди. Мақсад қилиб қўйган жониворни танлаб юрса, сизир сотмоқчи бўлиб турган икки йигитни кўриб қолди. Сизирнинг вазини ва кўриниши яхши, аммо одатдагидан арзон нархи Комилжонда шубҳа уйғотди. У буни милиция ходимларига айтди. Дастлабки суриштирувлар натижасида ака-ука Полвон ва Жугашвили С. лар сизирни ўғирлагани ва тезроқ арзон нархда сотиб кетишмоқчи эканликлари аниқланди.

Ўғирланган мол топилишидан умидини узган эгасига, оға-нинлар эса ички ишлар бўлимига топширилди.

Ҳушёр бўлинг, одамлар!

Э. РАҲМАТОВ.

Ижод

(Давоми. Боши ўтган сонларда)

Суҳбатимизнинг охири кўп нарсани ойдирлаштирган эди. Ҳеч қандай шубҳага ўрин йўқ. Жанет Вест билан Герман Жефферсон қачонлардир ўйнаш бўлишган. Унинг уйланиши ва ҳалок бўлганлиги ҳақидаги хабар Жанетни ҳам қари Жефферсон сингари ларзага солган. Иш қутилмаган ва ғалати йўналиш олаётган эди. Жанет ҳақида бирор маълумот олгим келиб қолди.

Полиция участкасида Ретникнинг олдига киришим учун ярим соат кутишимга тўғри келди. У курсида ўтириб, ўчиб қолган сигарани чайнаб, кайфияти бузуқ эди.

— Сенга вақтимни сарфлашим шартмикин, билмаман, аблаҳ,— деди у эшикни ёпиб олдига келганимда.

— Мени Ж. Вильбург Жефферсон ишга ёллади. Бунинг сен билишинг керак, деб ўйлайман.

Унинг афт-ангори тундлашди.

— Агар терговга ҳалақит берсанг, Рейн, сени рухсатномангдан маҳрум қиламан. Огоҳлантириб қўйялман,— сўнгра сўради:— У сенга қанча тўлади.

— Етарлича. Сенга эса ҳалақит бера олмайман — Гонконгга жўнаб кетаялман.

— Айғоқчи бўлиш ёмон эмас,— деди у.— Гонконг, а? Ўзим ҳам у ёққа бориб келишга йўқ демасдим. У ерда нима қилмоқчисан?

— Чол у қиз ким эканлигини билмоқчи. Агар қизнинг сирини очмасак, бир қадам ҳам олға силжий олмаймиз, деб ҳисобламоқда. Эҳтимол, у ҳақдир.

— Фақат вақт билан пулни бекорга исроф қиласизлар, холос. Лекин сен ўз тегишинини тўлалигича оласан.

— Хэллоу,— деди Вейд, менга ошқора мамнуният билан қараб. У ўрнидан қўзғалиб, стол ёнидаги чуқур чарм курсига ишора қилди. — Кириб, бемалол жойлашиб олинг.

Мен кириб, жойлашиб олдим.

— Сизни кутмагандим. Ичасизми? Соат олтига яқинлашиб қолди. Виски?

У стол тортмасидан шиша билан иккита қадаҳ чиқариб, уларга анчагинадан виски қўйди. Муз йўқлиги учун узр сўради. Мен бундан оғирроқ вазиятларга ҳам дош берганлигимни айтдим. Кулишиб, вискидан хўпладим, у ажойиб эди.

— Герман Жефферсон ҳақидаги ҳикоянгиз мени қизиқтириб қўйди. Яна бирор нарсга айтиб берармикансиз деб ўйлаиб қолдим. Мен ҳаммадан сўраб-суриштираялман. Ҳар бир нарсга муҳим бўлиши мумкин.

— Албатта, турган гап,— у ёлвораётган товушини эшитгач, ёрдамга шошилаётган Сенбернар итига ўхшаб кетди.— Сизни қайси жиҳатлар қизиқтиради?

Юзимда довлараш аломатлари пайдо бўлди. Жей Вейдга ўхшаган кишилар билан гаплашганда доим бирор қиёфага кириш керак.

— Билмадим. Менинг ишим далиллар йиғиш. Далилларни қанча кўп тўпласанг, улар шунчалик катта аҳамият касб этади. Масалан, сиз Жефферсонни билар эдингиз. Унинг феъл-атвори тўғрисида менга ҳикоя қилиб бердингиз. Сиз у ҳеч нарсдан тап тортмайдиган, ичкиликни яхши кўрадиган, жанжалкаш, хуллас, дўзахи бир одам деган эдингиз. Айтинг-чи, у аёлларга қандай қарар эди?

Вейднинг қуёшдан қорайган юзида ҳақоратланган ҳиссиёт туйғуси зоҳир бўлди. Унинг ўзи аёлларга қан-

дай қарашини пайқаш қийин эмасди.

— Аёллар билан пасткашларча муносабатда бўлар эди. Риёкорлик қилмоқчи эмасман. Ёшлитимизда қизлар билан ўйин-кулги қилсак нима бўлибди — менинг ўзим ҳам ўйин-кулгини ёқтирардим. Аммо Герман учун одоб-ахлоқ деган тушунча йўқ эди. Агар унинг отаси шахримизда шундай нуфузга эга бўлмаганида жанжалларнинг кети тугамасди.

— Қандайдир бирор алоҳида жиддий воқеани эслай олмайсизми?

Бир озлик тараддуддан кейин жавоб қилди:

— Ҳеч кимнинг исмини айтмоқчи эмасдим, аммо Жанет Вест деган қиз бўларди. Мистер Жефферсоннинг котибаси. У...— унинг кўзлари

нида, Герман жуда тутақиб кетди. Чол ўғли фикридан қайтиб, қизга уйланади, деб ўйлаган бўлса ажаб эмас. Лекин тақдир ўзгача ҳукм чиқарди. Ота тўй бўлмаслигини тушунгач, ўғлини Шарққа жўнатиб юборди. Шундан бери Жанет чол билан бирга.

— У гўзал аёл. Таажжуб, нега турмуш қурмади экан?

— Бу мени ажаблантирмайди. Чолга бу ёқмаган бўлур эди. У қизни жуда қадрлайди ва бунинг устига Герман ҳалок бўлгандан сўнг у ўз миллионларини кимга қолдирарди дейсиз.

— Ростданми?— Мен қизиқшимни яширишга ҳаракат қилдим.— Мистер Жефферсоннинг қандайдир қариндошлари бўлиши керак.

— Йўқ. Мен бу оилани анча яхши биламан. Герман

— Ҳаммаси жойида. Энди кетаверсам бўлар?— сўрадим мен.

— Йўқолавер,— деди у бепарвогина.— Бу ерда қиладиган ишинг йўқ,— у Жефферсоннинг адвокати билан гаплашаётган Жанетга қўрқа-писа қараб қўйди.— Сарикмашак ўқ еганида анави уйқуда эканини аниқлай олдирганми?

— Бунинг ўзинг бажар. Ҳозир жуда қўлай фурсат. Боргин-да, ўзидан сўра.

У илжайиб, бошини чайқади.

— Ҳали ақлдан озганимча йўқ. Сенинг эса омадинг келиб қолди. Хитойлик фоҳишалар билан кўнгил очишинг мумкин. Улар фахш ишларга ўта ўт бўлишади деб эшитганман.

Шундай дея жўнаб қолди. Мен эса Жанетнинг бўшагини кутиб, айланиб юрдим. Суҳбатини тугатиб, эшик томон йўл олганида ёнига бордин.

— Мен эртага жўнаб кетишим мумкин,— у юракни қитқилдиган ўйчанлик билан менга тикилди.— Тайёрага жой буюриб қўйишинг иложи борми?

— Ҳа, мистер Рейн. Бугун кечқурун сиз учун патта буюриб қўяман. Яна қандай истакларингиз бор?

— Германнинг бирорта фотосуратини олмоқчи эдим. Иложи борми?

— Фотосуратини?— ҳайрон бўлди у.

— Асқотиб қолиши мумкин. Менда хотини мурдасининг сурати бор. Бундай ишларда суратлар доим керак бўлади.

— Хўп, топиб бераман.

— Бугун кечқурун шарҳнинг бирор жойида учрашсак, деган таклифга қандай қарайсиз? Бу мени сизларникита боришдан халос қилган бўлур эди. Учиб кетиш олдида ташвишлар кўп бўлади. Айтилик, «Астор» барида соат саккизда?

У бир оз иккиланиб турди-да, сўнг рози бўлиб, бошини силжитди.

— Яхши, соат саккизда.

— Раҳмат, бу ҳаётимни анча енгиллаштиради.

Жанет яна бошини силкитди, совуқина кулиб қўйди ва ўз йўлига равона бўлди. У икки кишилик «Ягуар» машинасига ўтириб, жўнаб кетаётганига қараб қолавердим.

«Унинг дардида куймай қўя қол, манжа,— дедим ўзимга ўзим.— Агар у Жефферсоннинг миллионларига эга бўлиб олса, ўзига сендан дурустроғини топиб олади: бу қийин иш эмас».

Идорага келиб, қоғозларни тартибга келтира бошладим. Улар унчалик кўп эмасди, бунинг устига тез орада қайтаман-ку. Пастга тушиб тамадди қилиб олсамикан, деб турганимда эшикни тақиллатиб, Жей Вейд кириб қолди.

— Кўп вақтингизни олмайман, Фақат Герман дафн қилинадиган вақтни билмоқчи эдим, холос. Сиз билмайсизми? Маросимга боришим керак, деб ўйлайман.

— Маросим эртага бўлади, лекин вақтини билмайман.

— Ҳм,— ачингандай бўлди.— Балки, мисс Вестга кўнгирак қилганим маъқулмикин? Менинг иштирок этишимга қарши бўлишмас, ахир.

— Бугун кечқурун мисс Вест билан учрашаман. Агар истасангиз, ундан сўраб қўраман.

— Истаганда қандоқ,— у бир оз дадиллашди.— Сўраш ўзимга унчалик қўлай эмас. Шу маънодаки, улар билан учрашмаганимга анча бўлган. Шунчаки хаёлимга келиб қолди...

— Тушунарли.

— Мажлис қандай ўтди?— Мен ўйлаганимдай бўлди: иш тафтиш қилишга берилди,— мен сигарет тутатдим.— Эртага Гонконгга учиб кетаялман.

— Сиз?— ҳайрон бўлди у.— Ёқимли саёҳат. Бунинг ишга алоқаси борми?

— Албатта. Қари Жефферсон марҳума билан бўлиб ўтган воқеага аниқлик киритиш учун мени ёллади. Пулни у тўлайди, шунинг учун учиб кетаялман.

— Шунақа денг? Мен ҳам у ерга боришни жуда истардим. Сизга ҳавасим келяпти.

— Ўзимга ўзим ҳавас қилаялман-у.

— Қандай бориб келганингизни эшитиш менинг учун жуда қизиқ,— суҳбатдошим оғирлигини у оғирдан бунисига солди.— Бирор нарсга аниқлай оламан деб ўйлайсизми?

— Ҳеч қандай тахминим йўқ, астойдил ишлаб кўраман.

— Демак, Жефферсонни кўрибсизда. Кўриниши қалай?

— Унчалик дуруст эмас. Узоққа бормаса керак.

— Бунинг эшитиш оғир. У анча кексайиб қолган. Германнинг вафоти эса уни бутулай адои-тамом қилганга ўхшайди.— Вейд эшик томон қадам ташлади.— Хўш, бир дақиқагагина кирган эдим. Ҳозир олдимга бир киши келиши керак. Сизга оқ йўл тилайман. Йўлингизда бирор нарсга фойдам тегиши мумкинми?

— Раҳмат, йўқ. Эшикни қулфлашим билан ҳеч қандай муаммо қолмайди.

— Ундай бўлса кўришгунча ҳайр. Қайтганимизда қиттай-қиттай қилармиз. Ютуқларингиз ва таассуротларингиз ҳақидаги ҳикоянгизни жон қўлогим билан эшитаман. Дафн маросими ҳақида унутманг. Билинг-чи, гулчамбар юборишим мумкинмикин.

— Эртага айтаман.

Сал кечроқ полиция бошқармасига кириб, Жо-Эн Жефферсоннинг ўлгандан кейин туширилган фотосуратини олдим. Уни Ретник ваъда қилган эди. Сураткаш ўлик кўзга туширилган ёрулик нури ёрдамида мурдани юзига жон киргизишга муваффақ бўлган эди. Машинада бир неча муддат тикилиб ўтирдим. У шубҳасиз гўзал бўлган экан.

Улихсона хўжайини дафн қачон бўлишини айтди. Уни индинга, Урмон қабристонига, Жефферсон ҳисобидан кўмишар экан. Демак, марҳумни оилавий хилхонага қўйишмайди. Урмон қабристонига Пасаденанинг нуфузли кишилари қўйилмайди.

Соат олтиларга яқин идорани қулфлаб, уйга келдим. Икки ҳафталик сафарга кетаётган одамга зарур нарсаларни суммага жойлаб, душ қабул қилдим, соқолимни олдим ва тоза қўйлак кийдим-да, «Астор» барига жўнадим. Беш дақиқаси кам саккизда у ерга етиб келдим.

(Давоми кейинги сонда).



«ТАНТАНАЛИ ЮРИШГА САФЛАН!»

Ўзбекистон Республикаси Олий милиция мактабидан анча беридаёқ тантанали вазиёт сезилиб турарди. Оппоз парад формаси кийиб олган савлатдор йигитлар билан бирга, оқ сочли фахрийлар, байрам либосидаги гўзал қизлар ва албатта ҳамма ерда ҳозир нозир болалар ҳам мактаб томон шошилишмоқда.

Бу шодиёна кунга анчадан бери тайёргарлик кўриларди. Мактаб ҳовлиси чинидай тозаланган. Бошқача бўлиши мумкинми? Зеро бугун мактабни битираётганлар ўз уйларида бўлиб қолган билим даргоҳи билан хайрлашадилар. Майдонда ҳамма нарсаси тантанали маросимга тайёр. Уч юз йигирма уч нафар ёшгина лейтенантлар фахрий меҳмонлар тўла мин-

бар ёнидан ўтиш учун саф тортиб туришибди.

Республика ички ишлар вазирининг биринчи ўринбосари милиция генерал-майори Ғ. Раҳимов битирувчилар номига илиқ сўзлар айтди. Сўнгра у битирувчилардан тўққиз кишига имтиёзли дипломлар топширди. Улар орасида Фарҳод Шофайзиев билан Олимжон Шукуровлар ҳам бор. Бу йигитлар барча ўқув йиллари давомида кўпчилик фанлар бўйича биринчилар қаторида бўлишди. Шубҳа йўқки, улар ҳар қандай бўлишма ишига дарҳол киришиб кетадилар. Бошқа битирувчиларга ҳам дипломлар топширилади. Уларни мактаб бошлиғи ички хизмат генерал-майори Н. Оттанов, давлат имтиҳон комиссиясининг раиси, ҳуқуқ-

шунослик фанлари доктори Ғ. Саркисянц, ўқитувчилар номидан криминалистика куллийетининг бошлиғи, ҳуқуқшунослик фанлари доктори, ички хизмат полковниги Ғ. Абдумажидов ва бошқалар табриклашди. Нотиқларнинг ҳар бири талабаларнинг пухта билим ва кўникмалар олишганига, яхшигина тажриба орттиришганига ишонч билдирди. Энди мактабни битирганларидан сўнг кўп нарсаси олинган билимларни амалда қўллай қўллай олиш маҳоратига боғлиқ бўлади.

Мана мактаб байроғи билан хайрлашишдек таъсирли ва тантанали дақиқалар ҳам келди. Бош кийимсиз, тиз чўкиб турган битирувчилар сафи олдида алвонранг туғ олиб ўтилади. Радиокарнайларидан саф тортиш ҳақида буйруқ янгради. Минбар олдида аввал битирувчилар, сўнгра мактабни битиришга тайёргарлик кўраётган талабалар ўтишди. Турмуш ўртоқлари, ўғиллари, ака-укалари, севгилларини табриклаш учун бугун бу ерга келган меҳмонларда ҳам бу манзара унутилмас таассурот қолдириши аниқ.

Бу йилги битирувчилар орасида Туркменистон, Тожикистон, Қирғизистон, Белорусь, Украина, Россия ва-



киллари бор. Биринчи марта ўқитишнинг мана бундай усулига ўтилди. Уфа ва Тюмень милиция мактабларининг бир гуруҳ тингловчилари ўша ерда уч ярим йил ўқитанларидан сўнг якунловчи курсни Тошкентда битирдилар, шунингдек беш ойлик тажриба алмашиш даврини ҳам шу ерда ўтказиб, давлат имтиҳонларини ҳам бизнинг мактабда топширдилар. Натижалар чакки бўлмади. Республикамиз ички ишлар идораларининг турли бўлинуларидаги амалий ишлари учун аъло баҳолар олишди, уларнинг кўпчилиги эса муайян тадбирларда иштирок этганликлари учун қўмондонлик томонидан рағбатлантирилди.

Бу тантанали юриш тугаб, қариндош-уруғлари билан соя-салқин хаббонлар бўйлаб юраётганларида, яъни табрик-қутловларни бир оз уялиқираб қабул қи-

лаётганларида айниқса яққол кўзга ташланди. Улар кўпчиликнинг эътибор марказида бўлишга қўниқмаган. Лекин таътаналар тугайди, олдинда эса... Кўпчилик қаерда хизмат қилишни билади.

Бугун мактабнинг эшиклари очиқ, ўқиб мақсадида бу ерга келган ёш йигитчалар ўқув хоналари, лабораториялар, спорт заллари билан танишишлари мумкин. Уларнинг қайси бирларига бир бу ер қадрдон маконга айланади, зеро кириш имтиҳонларига озгина вақт қолди. Мактабда ўқиб истовчилар эса, маълум қилишларича ҳар қачонгидан ҳам кўп экан. Топширилган аризаларга қараганда бир ўринга уч киши даъвогар бўлиб турибди. Демак, иш янада кўпаяди, мактаб ҳам ўрганиб қолган тигиз маромда ишлайверади.

А. СТЕПАНОВ.

Умрбод эсда қолади

Бу кун Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирлиги ёнғиндан муҳофаза қилиш бўлими Тошкент куллийетининг битирувчилари хотирасида анчагача сақланиб қолади. Ушбу ўқув даргоҳи ўн бир йилдан бери ишламоқда. Бу сафар ҳам ўқув йили тугалланиши муносабати билан тантанали маросим бўлиб ўтди. 167 нафар юксак малакали мутахассислар Ўзбекистон, Қозоғистон, Тожикистон, Туркменистон ва Қирғизистоннинг ёнғиндан муҳофаза қилиш хизмати ходимлари сафини тўлдирди. Улардан юз нафари бизнинг республика вакиллари. Утган давр ичида куллийет 1553 нафар мутахассис тайёрлаб берди.

Шаҳар ички ишлар бошқармасининг ўйингоҳи эрта тонгдан бошлаб битирувчиларнинг қариндош-уруғлари, яқинлари, ёр-биродарлари, улар хизмат вазифаларини ўтайдиган минтақалар ёнғиндан сақлаш идораларининг вакиллари, ички ишлар ва ёнғиндан сақлаш идоралари фахрийлари, ички ишлар бўлимлари ҳамда жамоат ташкилотларининг раҳбар ва масъул ходимлари билан гавжум бўлди.

Жиззах вилояти ҳокимияти ички ишлар бошқармаси Ёнғиндан муҳофаза қилиш бўлимининг катта назоратчиси лавозимидан ўқишга келган ички хизмат катта лейтенанти А. Умаров тантанали сафда турибди. Ўқиндан сўнг у мустақил ишга — Арнасай район ёнғин устида давлат назоратининг бошлиғи лавозимига йўлланма олди. Унинг ёнида Тожикистон Республикаси Тоғли Бадахшон мухтор вилоятидаги районлардан бирининг махсус ҳарбийлаштирилган Ёнғиндан муҳофаза қилиш бошқармаси бошлиғининг ўринбосари, ички хизмат капитани бўлиб ишлаган А. Васильев турибди. У вилоят ички ишлар бошқармаси Ёнғиндан муҳофаза қилиш бўлимининг катта назоратчиси лавозимига тайинланди. Ички хизмат катта лейтенанти С. Бекишев куллийетга ўқишга киргунга қадар Қозғистон Республикаси Павлодар вилоятидаги ёнғиндан муҳофаза қилиш қисмларидан бирида қоровул бошлиғи бўлиб ишлар эди. У аъло баҳоларга ўқиди, куллийет ижтимоий ҳаётида фаол иштирок этди, гуруҳ командири, куллийет кенгаши аъзоси

бўлди, талабалар олимпиадасига қатнашди. Энди у Павлодар вилоятидаги ҳарбийлаштирилган йирик ёнғиндан муҳофаза қилиш қисмларидан бирида бошлиқ ўринбосари бўлиб ишлайди. Жиззах вилояти ички ишлар бошқармаси Ёнғиндан муҳофаза қилиш бўлимида катта назоратчи вазифасида ишлаб келган В. Зокировни эса куллийетда дарс беришга олиб қолишмоқда.

Куллийетни битириб чиққан талабаларнинг аксарияти республика ёнғиндан муҳофаза қилиш хизмати бўлинуларида, шу жумладан, раҳбар лавозимларда виждонан меҳнат қилишмоқда. Масалан, ички хизмат полковниги Е. Н. Новиков — Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирлиги Ёнғиндан муҳофаза қилиш бошқармаси бошлиғининг ўринбосари, ички хизмат подполковниги Х. Алаудинов — Фарғона вилоят ички ишлар бошқармаси Ёнғиндан муҳофаза қилиш бўлими бошлиғи, ички хизмат майори Э. Жуманов — Тошкент шаҳар ички ишлар бошқармаси Ёнғиндан муҳофаза қилиш бўлими бошлиғининг ўринбосари, ички хизмат подполковниги И.

Иноят — Тошкент вилоят ички ишлар бошқармаси Ёнғиндан муҳофаза қилиш бўлими бошлиғининг ўринбосари, ички хизмат подполковниги А. Шаповалов, Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирлиги Ёнғиндан муҳофаза қилиш техникаси бўлимининг бошлиғи, ички хизмат подполковниги А. Самаркин Тошкент шаҳар ички ишлар бошқармаси Ёнғиндан муҳофаза қилиш бўлими бошлиғи бўлиб ишлашмоқда. Ушбу билим даргоҳининг собиқ талабалари орасида халқ мулкчи сақлаб, ёнғин билан курашда қаҳрамонларча ҳалок бўлганлар ҳам бор. Куллийетни битирган И. Абдурамов ҳамда сиртқи таълим туртинчи курсининг талабаси В. Никуленко хизмат бурчларини ўтаётган пайтда жонларини фидо қилдилар. Уларнинг хотираси қалбимизда абадий сақланиб қолади.

Тантанали маросимда Ўзбекистон Республикаси Президенти Маҳкамасининг мудоффа сиёсати ишлари бўйича бош маслаҳатчиси, ҳуқуқшунослик фанлари доктори Б. Қосимов, Тошкент шаҳар Юнусобод райони ҳокими А. Қосимов, Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирли-


гининг шахсий таркиб билан ишлаш хизмати бошлиғининг ўринбосари, ички хизмат полковниги Т. Сайфидинов, Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирлиги шахсий таркибни ижтимоий-ҳуқуқий ҳимоя қилиш бўлимининг бошлиғи, ички хизмат майори Т. Алибоев ва бошқалар битирувчиларни қизғин қутладилар.

Ўқитувчилар номидан битирувчиларни техника фанлари номзоди, доцент, ички хизмат полковниги М. Маҳмудов чин дилдан табриклади.

Битирувчилар номидан сўзга чиққан ички хизмат катта лейтенанти А. Умаров устозларига сидқидилдан миннатдорчилик билдириб, куллийет аъёналарини янада бойитишга ҳаракат қиламиз, деб сўз берди.

Куллийет билан хайрлашиш дамлари. Битирувчилар минбар ёнидан саф тортиб ўтишди. Оқ йўл, сизларга, азаматлар!

Расул ҚОШИМОВ, истеъфодаги ички хизмат полковниги, техника фанлари номзоди.





АГАР сиз ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ишидан хабардор бўлишни истасангиз,

АГАР сиз жиноятчиликка оид янгиликларга қизиқсангиз,

АГАР сиз саргузашт асарларни севсангиз,
АГАР сиз ўз маҳсулотингизни тез ва соз харид қилмоқчи бўлсангиз,

«ПОСТДА» — «НА ПОСТУ»

ҳафталик газети хизматингизда.

«ПОСТДА» — «НА ПОСТУ»

газетига обуна бўлинг ва харид қилинг.
1993 йил учун обуна баҳоси—312 сўм.

Индекслари—64615 ва 64616.

„Постда“
„На посту“

**ГАЗЕТИ КЕНГ
МУШТАРИЙЛАР
ОММАСИГА
МЎЛЖАЛЛАНГАНДИР**

* Кўчириб босишда «Постда»дан эканлигини кўрсатиш шарт. * Мақолада келтирилган рақамлар, фактлар ва бошқа маълумотлар учун, шунингдек, оқинг эълон қилиниши мумкин бўлмаган маълумотлар учун муаллиф жавобгар ҳисобланади. * Муаллифнинг мулоҳазаси таҳририят фикрига мос тушмаслиги мумкин. * Қўлёзмалар таҳлил қилинмайди ва қайтарилмайди.

Ўзбекистон Жумҳурияти «Шарқ» нашриёт-матбаачилик концерни босмахонаси, 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.


ТЕЛЕФОНЛАР: муҳаррир — 54-37-91, муҳаррир ўринбосари — 39-77-23, масъул котиб — 59-26-56, мухбирлар бўлими — 59-20-92, умумий бўлим — 59-21-21.

Обуна рақами — 64615.

Муҳаррир —
Зокир ОТАЕВ.

МАНЗИЛГОҲИМИЗ:
700029, Тошкент, Г. Лопатин кўчаси, 1.

БОШҚОТИРМА



Бошқотирмадаги саволларнинг жавоби тўрт ҳарфдан иборат бўлиб белгиланган катакчадан бошланиб, соат стрелкаси бўйича ёзилади:

1. МХРдаги чўл. 2. Дастлаб символизм руҳида шеърлар ёзган рус шоири. 3. 1913-15 йилларда Самарқандда нашр этилган жадидлар журнали. 4. Ўрта Шарқнинг айрим мамлакатлари ва Ўрта Осиёда ҳоким, раҳбар ёки руҳоний ўринбосари ёки вакили. 5. VIII-X асрларда Ҳазар ҳокимлигининг пойтахти. 6. Ғарбий Осиёдаги давлат. 7. Жамиятда эътироф этилган ҳуқуқ нормаси. 8. Бухоро вилоятидаги шаҳар. 9. Қадимда кўчманчи, кейинчалик ўтроқ бўлган қозоқ, туркман, қорақалпоқлар қишлоғи. 10. Шарқий Европа ва Ғарбий Сибирь текисликлари орасидаги ҳудуд. 11. «Жигули» енгил автомобилнинг экспортга чиқариладиган тури. 12. Аҳоманийлар давлат шоҳи (мил. ав. 522-486). 13. Ғарбий Европадаги дарё. 14. Германиядаги шаҳар. 15. Мақомлардан бири. 16. Тожикистондаги дарё. 17. Хоразм вилоятидаги шаҳар. 18. КХДР пул бирлиги. 19. Саудия Арабистонидаги вилоят. 20. Марҳумни кўмиш маросими. 21. АҚШда 1903 йилдан ишлаб чиқарила бошлаган енгил автомобил маркаси. 22. Бокс тушиладиган майдонча. 23. Франциядаги шаҳар ва порт. 24. Қозогистондаги дарё. 25. Болгариядаги шаҳар. 26. Фижи давлатининг пойтахти ва порти. 27. Вануату давлатининг пойтахти ва порти. 28. Ер тагидан, уй ёки қалъа остидан қазиб ўтказиладиган тор йўл. 29. Африканинг шимо-

лий-шарқи ва Синай ярим оролидаги давлат. 30. Жанубий Арабистондаги давлат (мил. ав. 1-минг йиллик). 31. Ўтсимонлар оиласига мансуб йиртқич сут эмизувчи ҳайвон. 32. Эроннинг шимолий ғарбидаги дарё. 33. Қуёшнинг арабча номи. 34. Туркманистондаги вилоят. 35. Санъат тури. 36. Украинадаги вилоят. 37. Акция терминининг бузилган шакли. Пул маъносини ҳам англатади. 38. Россиядаги вилоят. 39. Россиядаги қаҳрамон шаҳар. 40. Италия, Ватикан пул бирлиги. 41. Ғарбий Кавказдаги қўл. 42. Масхарабозлик ва акробатикани ўз ичига олган санъат тури. 43. Ўрта денгизнинг шарқий қисмида жойлашган Ғарбий Осиёдаги давлат. 44. Тожикистоннинг Хатлон вилоятидаги шаҳар. 45. Харбий сийёсий иттифоқ. 46. Миллат. 47. Латвия пойтахти. 48. Ростов вилоятидаги шаҳар. 49. Суви камайиб бораётган денгиз. 50. Одра дарёсининг немисча номи. 51. Липецк вилоятидаги шаҳар. 52. Краснодар ўлкасидаги шаҳар. 53. Экватор пойтахти. 54. Кичик Осиёнинг шимолий-ғарбида мавжуд бўлган қадимий шаҳар. 55. Оренбург вилоятидаги шаҳар. 56. Вақтни ўлчаш асбоби. 57. Исландиядаги қўра, одамнинг олинган белгиланган яшаш муддати нихояси. 58. Мева-ли дарахт. 59. Хиндистонда ҳокимлар номи. 60. Ширин шарбатсимон модда.

Тузувчи: Йўлдош НАСРИДИНОВ,
милиция подполковниги.
22 июль сонидан берилган
«БОШҚОТИРМА»нинг жавоби: 24 тўртбурчак, 56 учбурчак.

Эълон

1988 йилда Тошкент шаҳар Октябрь (ҳозирги Шайхонтоҳур) районидаги 82-ўрта мактаб томонидан Искандаров Сардорбек Аҳмадович номига берилган 515179 рақамли аттестат;

Тошкент шаҳридаги 169-ўрта мактаб томонидан 1987 йилда Юсупов Дониёр Миралимович номига берилган Д. № 319341 рақамли аттестат;

Тошкент шаҳридаги 200-ўрта мактаб томонидан 1988 йил 25 июнда Усмонов Мамур Низомович номига берилган № 515678 рақамли аттестат йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ